

## ОДИЛ СУДЛОВНИ АМАЛГА ОШИРИШДА МАЪМУРИЙ СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Нуриддинова Фарангиз**

Қорақалпоқ давлат университети

Юридика факультети

2 – курс талабаси

Email: [nuriddinovafarangiz6@gmail.com](mailto:nuriddinovafarangiz6@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ

Маъмурий судлар тизимида давлатнинг роли ва унинг халқаро муносабатларда тутган ўрнини кенг миқёсда ёритиб бериш ва шу билан биргаликда Олий суд тизимида маъмурий судлар фаолиятининг янада юксалтириш истиқболлари.

**Калит сўзлар:** Маъмурий судлар, конвенциялар, халқаро ҳужжатлар, ўзгартириш ва қўшимчалар, камчиликлар, жаҳон амалиёти, одил судлов.

**Nuriddinova Farangiz**

An article written by

a student of group 105 of the

Faculty of Law of the Karakalpak

State University named after Berdaq.

Email: [nuriddinovafarangiz6@gmail.com](mailto:nuriddinovafarangiz6@gmail.com)

### ABSTRACT

The role of the state in the system of administrative courts and its role in international relations should be broadly clarified, and at the same time, the prospects for further improvement of the activity of administrative courts in the Supreme Court system.

Ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 114-моддасига кўра суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Бундан келиб чиқадики, юртимизнинг асосий нормаларида белгиланган тартиб-қоидалар ҳамма учун бажарилиши мажбурийдир ва шунга кўра суднинг

ижросига тўсқинлик қилиш Одил судловнинг обрўсига путур етказди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш шароитига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг „Суд ҳужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида“ қонунда белгиланган тартибда, суд ҳужжати деганда, тегишли суд томонидан чиқарилган ва қонуний кучга кирган суд ҳужжати тушунилади. Суд ҳужжатларида ҳар томонлама мукамал тарзда ташкил этилган структуралардан фойдаланилади. Айниқса, маъмурий суд ҳужжатларида ҳеч қандай орфографик ва грамматик хатолар бўлиши мумкин эмас. Чунки бир дона нуқта ёки ҳарф жуда кўп нарсани ўзгартириб юбориш мумкин. Бу имловий хатолар давлат органлари ходимларига бўлган ҳурматни сусайтириб, ҳукуматга бўлган ишончни йўқотади. Аҳоли ўртасида жиддий салбий оқибатларини келтириб чиқаради. Маъмурий суд ҳужжатларида кўрсатилган жисмоний ва юридик шахсларнинг исм-фамилиялари тўлиқ тарзда киритилиб, ҳужжат ҳамма учун тушунарли ва содда тарзда баён этилиши лозим. Шундай маъмурий суд ҳужжатларини такомиллаштириш муносабати билан маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва маълум тузатишлар критилади. Жумладан, суд ҳужжатларида маълум ишларнинг ижросини тўхтатиб, уларнинг фаолиятини батафсил таҳлилий ўрганиш ва чуқур мулоҳаза қилиб қарор чиқаришга кенг эътибор қаратилган. Шунингдек, маъмурий суд ишларини юритишда хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича Нукус шаҳрида халқаро учрашув ташкил этилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди судьялари ва суд ходимлари иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг (ГИЗ) „Марказий Осиёда ҳуқуқий давлатчиликни ривожлантириш“ минтақавий дастури асосида, Ўзбекистон Республикасида маъмурий суд ишларини юритишнинг долзарб масалари“ мавзусида семинар ташкил этилди. Унда асосан, маъмурий иш юритишда ишга боғлиқ бўлган етказилган зарарни ундириш ҳуқуқи, Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд ишларини юритишнинг ҳозирги ҳолати ва такомиллаштириш истиқболлари муҳокамасида этилди. Шунингдек, маъмурий иш юритишда суднинг фаолияти, роли, принциплари, Германияда маъмурий иш юритишни сўзсиз тугатиш масалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу ўринда, маъмурий ишлар фаолиятидаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида туман ва шаҳарлардаги маъмурий судлар ўрнида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилди. Бу қонун лойиҳаси асосида фуқароларнинг судлар орасидаги

сарсонгарчиликларининг олдини олиш мақсадида судлар фаолиятига бир қарор ўзгартиришлар киритилмоқда. Маъмурий судлар амалиётининг таҳлили кўрсатмоқдаки, Маъмурий судлар томонидан ишларни кўришда суд ҳужжатларини чиқаришда турлича ёндашувлар, муаммо ва тушунмовчиликлар мавжуд.

#### Кириш қисм

Айрим ҳолларда бир хил турдаги суд ҳужжатлари шаклан ва мазмунан биридан фарқ қилади. Шунингдек, баъзида суд ҳужжатларини чиқаришда судлар томонидан аниқланган ҳолатлар тўлиқ кўрсатилмайди, далилларга етарлича баҳо берилмайди, ишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, кўрсатмалари, ҳатто эътирозлари, иш бўйича суднинг муайян хулосага келиш асослари кўрсатилмайди. Бу ҳолатлар эса биринчидан, суд ҳужжати мазмунини тўлиқ тушунмаганлиги боис ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади, иккинчидан, улар томонидан юқори суд инстанцияларига бериладиган шикоятларнинг кўпайишига олиб келади, учинчидан, суд ҳужжатининг ўз вақтида сифатли ва самарали ижро этилишига салбий таъсир қилади. Шу сабабли Маъмурий судлар томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қонуний ва асослантилган бўлиши, моддий ва процессуал қонунчилик нормалари билан тўлиқ мос келиши, иш ҳужжатлари ва суд аниқланган ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак.

” .. ..... Маъмурий судларнинг биринчи навбатдаги вазифаси фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатларда қонун устуворлигини таъминлаш билан бир қаторда улар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳисобланади ...“. Шунингдек 2011-йилдан бери Европа иттифоқи Ўзбекистон ҳукумати билан биргаликда Ўзбекистон суд тизимини ислоҳ қилишга қўмаклашувчи ва мамлакатнинг суд тизимини халқаро, хусусан Европа иттифоқи стандартлари билан мувофиқлаштириш дастури амалга ошириш келмоқда. Бундан ташқари, ” Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислоҳотларига қўмаклашиш“ лойиҳаси Ўзбекистоннинг жиноий суд амалиётида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шарт-шароитлар яратишда аҳамиятли ўрин эгаллайди ва мамлакат ҳукуматини жиноятни камайтиришда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларига мос келадиган Янги стандартлар қабул қилишга қўллаб-қувватлайди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда Маъмурий қонунбузарликлар 1995-йилдан бери “Маъмурий иш юритиш“ доирасида кўриб чиқилади. Бу амалиёт Европа Иттифоқига аъзо давлатнинг аксариятида тушуниладиган ва амалда ишлатиладиган маъмурий иш юритишдан фарқ қилади. Энг Янги жараёнлардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақидаги “ қарор матбуотда эълон қилинди . Мазкур Конституциявий қонун лойиҳасида Янги Ўзбекистонни дунёвий ҳуқуқий демократик давлат сифатида белгилаб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг янада самарали механизмини яратиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини Конституция моддаларига сингдириш, Конституцияни лўнда, халққа тушунарли ва тўғридан-тўғри ишлайдиган нормаларни киритишни белгилайди. Бундан олдин давлатимиз раҳбари ҳуқуқий маданият мавзусида алоҳида эътибор қаратиб, 2019-йил 9-январдаги фармони билан” Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси”ни тасдиқлади. Шу ўринда эслатиш лозимки, дунёдаги етакчи халқаро ташкилотлар, шу жумладан, ворлд жустисе прожест таҳлилларига кўра, бугунги кунда дунёда 1,5 млндан ортиқ инсон одил судловга эриша олмай келмоқда.

2020-йилнинг ўзида 9 ой ичида маъмурий судлар мансабдорнинг қарорлари устидан шикоят қилингн 7004 та ишни кўриб чиққан. Суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини амалда таъминлаш суд-ҳуқуқ тизимини шаффофлаштириш вас ҳу орқали Жаҳон адолат лойиҳаси (ворлд жустисон прожест) ташкилотининг Ҳуқуқ устуворлиги индексининг (Wз Руле оф доув Идех) Давлат идоралари шаффофлиги (опен Говернмент) Йўналиши бўйича давлатимизнинг эгаллаб келаётган ўрнини янада олдинга кўтариш орқали унинг ҳуқуқий имижини ошириш биз интилаётган янги демократик жамиятнинг янги Ўзбекистоннинг асосий мақсадларидандир. Шу ўринда халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳамда хусусиятларига эътибор қаратадиган бўлсак, инсон ҳуқуқи бебаҳо қадрият бўлиб, инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартнома ва халқаро одил ҳуқуқига кўра давлатлар зиммасига қуйидаги 3та кенг қамровли мажбуриятлар юкланади: “Ҳурмат қилиш”, “ҳимоя қилиш” ва “амалда татбиқ этиш”. Шу жараёнларга боғлиқ равишда Финландия Конституцияси 21- бўлимда ҳар кимга ўз ишини суд ёки бошқа давлат органи томонидан тўғри ва кечиктирмасдан кўриб чиқиш ҳуқуқи кафолатлайди.

Айтиш жоизки, ўтган қисқа даврда маъмурий судлар томонидан жисмоний юридик шахларнинг ҳуқуқлари ва қонунлари билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судлов ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида ўта муҳим ишлар амалга оширилди. Буни биргина маҳаллий давлат ҳокимият органларининг 2019-йилда 1минг 255та, 2020-йилнинг 1-ярмида 654та қарор суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган мисолида яққол кўриш мумкин. Шу маънода ишонч билан айтиш керакки бундан 3йил мукаддам

Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан юртимизда маъмурий судларнинг ташкил этилгани амалда ўзини тўлиқ оқламоқда.

Юқорида қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2020-йил 24-июлдаги судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони билан маъмурий судлар фаолияти тубдан такомиллаштирилди. Хусусан, президентимиз фармонига кўра, 2021-йил 1-январдан туман (шаҳар) маъмурий судлари негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколати жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилнинг 13-июн куни Тошкент шаҳрида суд органлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишларнинг аҳволи, муаммолар ва истиқболдаги вазиятларга бағишлаб ўтказилган видеосэлектр йиғилишида адолат халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келганига алоҳида урғу бериб, “Асосий мақсад шуки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш орқали халқимизнинг суд тизимига бўлган ишончини қатъий мустаҳкамлаш судни том маънода “Адолат кўрғони”га айлантириш зарур”, деб таъкидладилар.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратишни истардим. Гап шундаки, БМТ ривожланиш дастури, Германия ривожланиш соҳасида ҳамкорлик ташкилоти (912) ва Нагоя университети экспертлари томонидан Ўзбекистонда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларнинг маъмурий судлардан жиноят ишлари бўйича судларга ўтказилиши ва маъмурий судларнинг мустақил суд сифатида сақлаб қолиниши тўғри қарор деб баҳоланган. Дунё тажрибасига эътибор қаратсак маъмурий судларнинг ташкил этилиши ва фаолият юритиш жаҳон амалиётига тўлиқ мос келади. Бугунги кунда маъмурий судлар, Италия, Франция, Германия каби ривожланаётган мамлакатларда самрали фаолият юритмоқда. Германияда ва Россия давлатларида маъмурий судлар тарафларда бири ижро ҳокимиятининг орган ўзини ўзи бошқариш идоралари, уларнинг мансабдор шахлари ёки хизматдаги шахслар ваколатига эга бошқа субъектлар бўлган ишларни кўради.

Хулоса ўрнида айтганда, маъмурий судларнинг ташкил этилиши мамлакатимизда давлат бошқарув тизимини демократиклаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини, манфаатларини суд орқали ишончли ҳимояланишига мустаҳкамлаган маъмурий

судлар фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини суд орқали ишончли ҳимоялашда самарали омил бўлиб хизмат қилади.

Маъмурий судлар фаолиятини дунё тажрибаси асосида мунтазам такомиллаштириб бориш, ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш олдимизда турган долзарб масала бўлиб қолаверади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги маърузаси.
2. ЎРҚ-662-сон 12.01.2021. Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
3. Маъмурий суд ишини юритишда хорижий тажриба – Қорақолпоғистон Ахборот Агентлиги <https://kknews.uz/oz/103064.html>
4. ЎРҚ-662-сон 12.01.2021. Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида
5. Туман ва шаҳарлардаги маъмурий судлар ўрнида туманлараро маъмурий судлар ташкил этилади
6. Е.Б. Абросимова (2009). Судебная власть: транспарентность или конфиденциальность? Права человека: законодательство и судебная практика, (2009), 176-189.
7. Б.М.Холматов Ҳакамлик судлари орқали хусусий уй жоймулкдорлари ширкатлари ва уй-жой мулкдорлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиш. Самарқанд 2016 йил
8. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси.
9. Адлия вазирлиги томонидан шу йил 24 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига қўйилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 42-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида” ги қонун лойиҳаси.
10. Фируз Махмудов ТДЮУ 2-босқич магистранти ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА Маъмурий Судларни Ташкил Этишнинг Ташкилий-Ҳуқуқий Асослари.
11. “Маъмурий жавобгарлик” Маъруза мавзуси: Маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари Маърузачи: Р.С.Алтиев. 2022

12. Шайзаков Шодияр Ибрагимович Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил 12.00.07 – Суд ҳокимияти. Прокурор назорати. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент - 2021йил

13. Садиков Санджар Абдумажитович Ўзбекистон Республикасида “Электрон Ҳукумат” тизими ҳуқуқий асосларининг шаклланиши ва ривожланиши. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент – 2020.

14. Пирматов Отабек Шавкатович иқтисодий ва фуқаролик суд ишларини юритишда электрон далилларнинг процессуал жиҳатлари. Ҳакамлик жараёни ва медиация юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ Тошкент – 2020

15. Темиров Далер ТДЮУ магистранти Суд иш юритувида ишда иштирок этувчи шахсларни хабардор қилиш ва суд ҳужжатларини юборишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш масалалари

16. Ўзбекистоннинг янги тараккиёти даврида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали химоя қилиш ва таъминлаш истиқболари Кабулов Хожабай Алдашович

17. Ўзбекистон Республикасининг маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. янги. 2022

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.

Фойдаланилган интернет сайтлари

1. [https://uza.uz/uz/posts/konstituciya-viy-islohotlar-davom-etmoqda\\_387860](https://uza.uz/uz/posts/konstituciya-viy-islohotlar-davom-etmoqda_387860).

2. <https://sud.uz/mamuriy-sudlar-tizimi-yanada-takomillashtirilmogda/>